



ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИНИНГ ҚАСДДАН БАДАНГА ОҒИР ШИКАСТ ЕТКАЗИШ ЖИНОЯТЛАРИГА ҚАРШИ КУРАШИШ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МЕТОДИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

(Бухоро вилояти мисолида)

Утепов Дилмурод Шералиевич

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти кафедраси

катта ўқитувчиси, подполковник

<https://doi.org/10.5281/zenodo.14860179>

ARTICLE INFO

Received: 1st February 2025

Accepted: 5th February 2025

Published: 12th February 2025

KEYWORDS

ички ишлар органлари, қасддан баданга оғир шикаст етказиш, жиноят, жиноятчиликка қарши курашиш, фаолият, методика, такомиллаштириш, профилактика.

ABSTRACT

Ушбу мақолада ички ишлар органларининг қасддан баданга оғир шикаст етказиш жиноятларига қарши курашиш фаолиятини ташкил этиш методикасини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари, ушбу турдаги жиноятнинг профилактикасини амалга ошириладиган чора-тадбирлар, уларнинг хусусиялари ва кутиладиган натижалар ёритилган

Профилактика инспекторининг қасддан баданга оғир шикаст етказиш жиноятининг профилактикасини самарали ташкил этиш бевосита унинг турлари, усул ва шакллари билан боғлиқ. Айнан шунинг учун ҳам, бугунги кунда профилактика инспекторлари лавозимига тайинланадиган шахсларга қўйиладиган асосий талаблардан бири сифатида «ҳуқуқбузарликлар профилактикаси шакллари ва усулларини амалда қўллаш кўникмаларига эга бўлиш» белгиланган.

Бироқ илмий-назарий адабиётлар ва қонунчилик таҳлили ҳуқуқбузарликлар профилактикаси турлари ўртасида номувофиқлик, усул ва шакллари ўртасида эса мавҳумлик ва ноаниқликлар мавжудлигини кўрсатди. Бу эса қасддан баданга оғир шикаст етказиш жиноятининг профилактикасининг турлари, усул ва шакллари тизимини такомиллаштириш зарурияти мавжудлигини билдиради.

Илмий-назарий адабиётларда ҳуқуқбузарликлар, хусусан жиноятлар профилактикасининг чора-тадбирлари ҳақида яқдил фикрга келинмаган. Шу боисдан, улар: 1) «умумий» ва «якка тартибдаги»; 2) «умумий» ва «махсус»; 3) «умумий ижтимоий» ва «махсус криминологик»; 4) «умумий», «махсус» ва «якка тартибдаги»; 5) «умумий», «махсус», «якка тартибдаги» ва «виктимологик» чора-тадбирларга таснифланган.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг назорати ҳам безориликнинг олдини олишда яхши самара беради. Хусусан, ички ишлар органлари ёки Миллий гвардиянинг кўча ва жамоат жойларида патруликни амалга оширишлари ўзига хос профилактик таъсир қўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси «Жамоатчилик назорати тўғрисида» ги қонунига мувофиқ жамоатчилик назорати ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектларига нисбатан қўлланилади, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси объектларига нисбатан ҳам жамоатчилик назорати амалга оширилади. Бу фуқаролар ва жамоат уюшмаларининг фаол иштироки орқали бевосита безориликнинг олди олинишида намоён бўлади.

Жиноятчиликка қарши курашишда фаол иштирок этган фуқаро ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 8 январдаги 15-сон қарори билан тасдиқланган «Фуқаролар ва жамоат ташкилотларини ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишдаги фаол иштироки учун рағбатлантириш тартиби тўғрисида»ги Низом қоидаларига биноан рағбатлантириладилар.

Мазкур вазиятда профилактиканинг усул ва шакллари ўзаро қайтма алоқадор эканлигини кўришимиз мумкин. Яъни профилактиканинг шакли доирасида амалга оширилган чора-тадбир учун рағбатлантириш усули қўлланилаяпти.

Таҳлилларга кўра, ушбу давлатларда қасддан баданга оғир шикаст етказиш жиноятининг профилактикаси қуйидагича турланади:

1) Ўзбекистон Республикасида: умумий, махсус, якка тартибдаги (индивидуал), виктимологик; 2) Қозоғистон Республикасида: умумий чоралар, якка тартибдаги (индивидуал), махсус чоралар; 3) Россия Федерациясида: умумий, якка тартибдаги (индивидуал); 4) Беларусь Республикасида: умумий, якка тартибдаги (индивидуал); 5) Қирғизистон Республикасида: умумий, якка тартибдаги (индивидуал).

Кўриниб турибдики, қасддан баданга оғир шикаст етказиш жиноятининг профилактикасини турланиши ушбу масалага қайси жиҳатдан ёндашилишига боғлиқ. Мисол учун, Ўзбекистон Республикасида қасддан баданга оғир шикаст етказиш жиноятининг профилактикасининг умумийлигига, индивидуаллигига, махсус ва виктимологик жиҳатларига алоҳида эътибор қаратилган бўлса, Россия Федерацияси ҳамда Қирғиз ва Беларусь Республикаларида унинг фақат умумийлиги ва индивидуаллиги бўйича ёндашилган. Қозоғистон Республикасида эса қасддан баданга оғир шикаст етказиш жиноятининг виктимологик жиҳатлари унинг умумийлиги, индивидуаллиги ва махсуслигига сингиб кетади деб тушунилади. Россия Федерациясида эса махсус профилактика қасддан баданга оғир шикаст етказиш жиноятининг йўналишларидан бири сифатида талқин этилади¹.

Ўрганилаётган объектлар ўрганилиши осон бўлиши ёки чуқурроқ ўрганилиши, амалий фаолиятда эса фаолият йўналишларининг аниқ белгилаб олинишига эришиш мақсадида турланади ёки таснифланади.

Айнан шу мақсадда келтириб ўтилган давлатлар қонунчилигида ҳуқуқ-бузарликлар профилактикаси турларга ажратилган. Лекин қасддан баданга оғир шикаст етказиш жиноятининг профилактикасининг жиҳатлари унга кучлироқ ёндашиш зарурлигини талаб этади.

Мазкур зарурият қуйидагилар билан ифодаланади: Е.О.Алауханов ва З.С. Зариповлар олиб борган тадқиқот натижаларига кўра, қасддан одам ўлдириш жиноятдан жабрланганларнинг 48,9 фоизи, тан жароҳати олганларнинг 50 фоиздан ортиғи, номусига тегилган аёлларнинг 49 фоизи ўзларининг салбий хулқ-атвори (таҳдид қилиши, ҳақоратлаши, туҳмат қилгани, калтаклаши, енгил-таклиги, ичкиликбозлиги кабилар) билан ушбу ҳуқуқбузарликларнинг содир этилишига сабаб бўлган ёки унга имкон берувчи шароитни яратгани учун жабрланганлар².

Агарда қасддан баданга оғир шикаст етказиш жиноятининг профилактикасига алоҳида ёндашиб, бу борадаги муаммолар ўз ечимини топмас экан, унда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси самарадорлигига етарлича эришиб бўлмайди. Масаланинг мазкур жиҳатига алоҳида эътибор қаратган қонун чиқарувчи, миллий қонунчилигимизда қасддан баданга оғир шикаст етказиш жиноятининг умумий, махсус, якка тартибдаги ва виктимологик профилактик турлар орқали амалга

¹ Алауханов Е.О. Криминологические проблемы предупреждения корыстно-насильственных преступлений: Автореф. дисс. ... док. юрид. наук: 12.00.08. – Алматы, 2004. – С. 30.

² Исмаилов И., Абдурасулова Қ.Р., Фазилов И.Ю. Криминология. Умумий қисм: ИИВ олий таълим муассасалари учун дарслик. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015. – Б. 131. (– 272 б.)

оширилишини белгилаб берган. Бироқ профилактиканинг ушбу турлари мазмун жиҳатдан таҳлил қилинганда, уларнинг барчасини ҳам тур сифатида эътироф этиб бўлмаслиги кўринадди. Негаки, муайян бир тур бошқасидан ўзига хос хусусият (индивидуаллик) билан фарқланиши лозим. Аммо миллий қонунчилигимизда мазкур ўзига хосликка эътибор қаратилмаганлиги кузатилади. Буни:

1) соғлиққа қарши жиноятлардан жабрланишнинг олдини олиш юзасидан таълим муассасаси, меҳнат жамоаси ёки маҳаллада тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг виқтимологик профилактикаси ёки профилактикаси?

2) муайян ҳудудда ёлғиз яшаётган қарияларга нисбатан кетма-кет бир неча маротаба жиноий тажовуз амалга оширилганлиги боис маъмурий ҳудуддаги ёлғиз яшовчи қариялар билан индивидуал равишда виқтимологик мазмундаги суҳбатларни ўтказиш ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг виқтимологик профилактикаси ёки тартибдаги профилактикаси?

3) «диққат пиёда», «велосипед», «ҳаракат хавфсизлиги ойлиги», «ёнғин хавфсизлиги ойлиги» каби махсус тадбирларнинг ўтказилиши ҳуқуқбузарликларнинг виқтимологик профилактикаси, профилактикаси ёки махсус профилактикаси? мазмунидаги саволларга жавоб топишнинг қийин эканлигида ҳам кўриш мумкин.

Кўриниб турибдики, қасддан баданга оғир шикаст етказиш жиноятининг профилактикасини юқорида таклиф этилган мезонлар бўйича алоҳида тур сифатида таснифлаб бўлмайди. Шу боис, қасддан баданга оғир шикаст етказиш жиноятининг профилактикасинини муайян мезон асосида таснифлаш ва турларга ажратиш билан чегараланмаслик зарур.

Бу борада, авваламбор, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси таъсир кўрсатиш объектлари бўйича турланиши лозим. Бунда ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг таъсир кўрсатиш объектларини икки гуруҳга ажратиш, яъни *биринчи гуруҳ*, ҳуқуқбузарлик содир этган ёки содир этишга мойил шахслар, *иккинчи гуруҳ*, ҳуқуқбузарликдан жабрланган ёки жабрланиш эҳтимоли мавжуд бўлган шахслар тариқасида таснифлашни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Юқоридаги хулосага асосланиб, **профилактик таъсир кўрсатиш объектларининг хусусиятига кўра**, 1) криминологик профилактика; 2) виқтимологик профилактика; **профилактик таъсир кўрсатиш чора-тадбирларининг хусусиятига кўра**, 1) умумий профилактика; 2) яқка тартибдаги профилактикасига ажратиш таклиф этилади.

Хулоса қилиб айтганда, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини **криминологик** ҳамда **виқтимологик** профилактик йўналишлар бўйича амалга оширилиши профилактик чоратадбирларнинг таъсирчанлигини оширишга, куч ва воситаларни тўғри ва манзилли йўналтиришга ҳамда кутилган натижага эришишга самарали хизмат қилади. “Инсон ҳуқуқбузарликларни олдини олиш ва ўзининг яшаш ҳудудида эркин, тинч ва фаровон яшаш қанчалик муҳим ҳаётий жараён эканлигини яна бирбор атрофдаги бўлаётган нотинчликлардан азият чекаётган фуқаролар мисолида тушуниб етмоқда. Инсоннинг ўз ҳаёт йўлида эркин ва фаровон яшашлик учун турли тўсиқлар мавжуд. Ушбу тўсиқлардан бири инсоният курашиб келаётган жиноятчилик оламидир. Бугунги кунда инсонлар жиноят оламига турли сабабларга кўра кириб қолмоқда. Баъзан бу моддий етишмовчиликда, баъзан эса ҳуқуқий онгининг пастлигида, ёки назоратсизлик оқибатида жиноят содир этаётганлиги кўзга ташланмоқда.”³ Олиб борилаётган кенг ислохотлар натижасида ҳозирда Ички ишлар тизимида ўн икки мингга яқин профилактика инспектори ишлаб келмоқда. Бунинг натижасида маҳаллаларда

³ Гадоимиродов Б. Яқка тартибдаги профилактик чора-тадбирларни қўллашдаги муаммолар //Development of pedagogical technologies in modern sciences. – 2022. – Т. 1. – №. 6. – С. 19-22.

тинчлик-осойишталик мустақамланди, жиноятларни тезкорлик билан очиш кўрсаткичи яхшиланди.⁴

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси амалиёти ва қонун нормаларининг илмий-амалий таҳлили ҳуқуқбузарликлар профилактикаси усул ва шаклларининг назарий-ҳуқуқий асослари етарлича яратилмаганлиги ва шу боисдан, ушбу усул ва шаклларнинг амалиётда қўллаш самарадорлиги етарли эмаслигини намоён этди.

«Усул» ўзбек тилининг изоҳли луғатида, бирор бир нарсани юзага чиқариш, амалга ошириш йўли, ҳаракатланиш тарзи, тартиби деган маъноларни англатади.

Ички ишлар органлари фаолиятини ташкил этишга доир усуллар асосан, ушбу соҳанинг бошқарув фаолиятида кенг қўлланилиб, одатда, ушбу усуллар бошқарув усуллари деб талқин этиб келинган. У.Таджиханов, С.Т. Ахмедоваларнинг таъкидлашича, бошқарув усули - бошқарув мақсади, вазифалари ва фаолиятининг амалий бажарилиш тарзидир. Бошқарув усулининг мазмуни қандай оқилона йўллар билан бошқарув мақсадига эришиш, бошқарув фаолиятини амалга ошириш мумкин деган саволга жавоб беради.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг қасддан баданга оғир шикаст етказиш жиноятининг профилактикасини усуллари мазмуни ва моҳиятини ёритишда бошқарув усулларининг моҳиятига мурожаат қилишимиздан мақсад шуки, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бошқариш усуллари мазмунан айнандир. Чунки бошқарувнинг умумназарий усуллари барча соҳа, шу жумладан, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасига бирдек дахлдордир. Демак, қасддан баданга оғир шикаст етказиш жиноятининг профилактикасининг усуллари – бу, қасддан баданга оғир шикаст етказиш жиноятининг профилактикасини бошқаришнинг асосий мақсадларига амалий эришишни, асосий функцияларининг амалга оширилишини ҳамда самарали профилактик таъсир кўрсатишни таъминлаш йўллари дидир.

Таъкидлаш жоизки, қасддан баданга оғир шикаст етказиш жинояти профилактикасининг ўзига хос алоҳида турлари мавжуд эмас. Безорилик профилактикасида профилактиканинг мавжуд турлари ва улар доирасида амалга ошириладиган чора-тадбирлар тизимига асосланилади. Бошқача қилиб айтганда, Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида» ги қонунда профилактиканинг умумий, махсус, якка тартибдаги ва виктимологик профилактикадан иборат тўртта тури белгиланган бўлиб, безориликнинг профилактикаси айнан мазкур турлар, ушбу турлар доирасида амалга ошириладиган чора-тадбирларга таянилади.

Шу боисдан, қасддан баданга оғир шикаст етказиш жиноятининг профилактикасинининг мақсади, функциялари, вазифалари, ўзига хос хусусиятлари ва афзалликлари, шунингдек ушбу соҳада олиб борилаётган ислохотлар ва ахбороткоммуникацион технологияларнинг ривожланишини инобатга олиб, қасддан баданга оғир шикаст етказиш жиноятининг профилактикасини шаклларини: *ёзма, оғзаки, кўргазмали, электрон, назорат, қўриқлаш, қутқарув, белгили, СМС хабар, аралаш шакллари* тариқасида шакллантириш тавсия этилади.

Айрим Европа давлатларида, хусусан, Германияда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишда фуқароларнинг имкониятидан кенг фойдаланиш амалиёти мавжуд. Мазкур амалиётга кўра, ҳар қан-дай ҳуқуқбузарлик, шу жумладан, ғайриижтимоий хулқ-атворнинг гувоҳи бўлган Германия фуқаролари бу ҳақда дарҳол давлат органларига телефон орқали оғза-ки, СМС ёки ММС кўринишида хабар беради. Хабар асосида тезкор профилактик чоралар кўрилиб, натижаси ҳақида фуқарога маълум қилинади.

⁴ Nimatov Sh.N., Ўзбекистон республикаси ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизимида амалга оширилган ислохотлар ва уларнинг босқичлари // <https://doi.org/10.5281/zenodo.14281681-41-6>.

Қасддан баданга оғир шикаст етказиш жинояти профилактикасини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил май ойида Бухоро вилоятида олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари ва маҳаллалар ҳаёти билан танишиш, иқтисодийнинг турли тармоқларида амалга оширилаётган лойиҳаларни кўздан кечириш ва янги объектларни ишга тушириш амалга ошириш қаратилган ташрифидан сўнг, ушбу ҳудудда “Бухоро тажрибаси асосида 5 та тоифадаги маҳаллалар рўйхатини шакллантириш, ушбу маҳаллаларнинг ҳар бир тоифаси билан манзилли ишлашни ташкил этиш” механизми асосида 5 та тоифадаги маҳаллалар рўйхатларини шакллантирилган:

1. камбағал оилалар кўп бўлган маҳаллалар;
2. жиноятчилик ошган “қизил тоифа”даги маҳаллалар;
3. ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан оғир бўлган маҳаллалар;
4. 200 дан ортиқ мурожаатлар тушган маҳаллалар (жорий йилнинг ўтган даврида);
5. 40 дан ортиқ такрорий мурожаатлар (жорий йилнинг ўтган даврида) тушган маҳаллалар.

Айнан ушбу механизмдан ҳудудларда самарали фойдаланиш орқали **биринчи** ва **иккинчи** тоифадаги маҳаллалар кесимида сектор раҳбарларининг жиноят содир этишга мойил бўлган шахсларга ижтимоий-иқтисодий ахволини яхшилаш жумладан, уларнинг бандлигини таъминлашга қаратилган комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш асосида қасддан баданга оғир шикаст етказиш жинояти профилактикасини мақсадига эришиш мумкин.

Ҳуқуқни қўллаш амалиётида қасддан баданга оғир шикаст етказиш жиноятининг барвақт профилактикасини амалга ошириш, ижтимоий профилактикасини самарадорлигини ошириш ва ижтимоий профилактика субъектларининг масъулиятини ошириш борасида маъмурий ва жиноят-ҳуқуқий чораларини янада такомиллаштириш мақсадига ҳамда бу борадаги хорижий тажрибани инобатга олиб, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексини қўйидаги янги таҳрирдаги 206¹-модда билан тўлдириш мақсадга мувофиқ 206¹-модда. *Ижтимоий профилактика субъектларининг хулоса талабларини бажармаслик.*

Жиноят содир этишга мойил бўлган ёки жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган шахсга тақдим этилган хулоса талабларини бажармаслик — базавий ҳисоблаш миқдорининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қamoққа олишга сабаб бўлади.

Жиноят кодексининг 219¹-моддани қўйидаги таҳрирда баён қилиш мақсадга мувофиқ 219¹-модда. *Ижтимоий профилактика субъектларининг хулоса талабларини бажармаслик.*

Жиноят содир этишга мойил бўлган ёки жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган шахсга тақдим этилган хулоса талабларини бажармаслик, ўша ҳаракатсизлик оғир оқибатларга олиб келса —

уч юз соатдан тўрт юз саксон соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёки бир йилдан уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ички ишлар органларининг асосий вазифалари сифатида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини, жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жамоат тартибини сақлаш, жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш орқали жиноятчиликка қарши курашиш белгиланганлигини инобатга олсак. Ички ишлар органларининг барча куч ва воситалари айнан муайян бир ҳудуднинг оператив ва криминоген вазиятидан келиб чиққан ҳолда жиноятчиликка ёхуд унинг алоҳида тури билан қарши курашиш фаолиятини тўғри ташкил этишдан боғлиқ бўлади.

Демак, биз тадқиқ қилаётган мавзу предмети ҳисобланган қасддан бадан оғир шикаст етказиш жинояти билан қарши курашишда ҳудудлардаги профилактика инспекторлари, туман (шаҳар) миқёсидаги пост-патруль ва жамоат тартибини сақлаш хизматлари, тезкор-қидирув ва суриштирув-тергов бўлим (бўлинма)лари томонидан соҳага юклатилган функционал вазифалардан келиб чиққан ҳолда уларнинг умумий фаолиятини мувофиқлаштириш ва бошқариш орқали жиноятчиликка самарали қарши курашиш фаолиятини ташкил этиш мумкин.

Бироқ, сўнги 2021-2024 йилларда содир этилган қасддан баданга шикаст етказиш ҳолатларининг (2021 йилда – 54 та, 2022 йилда – 60 та, 2023 йилда – 43 та, 2024 йилда – 44та⁵) динамикаси ва кўлами ошиб бораётганлиги фаолиятнинг ушбу йўналишида бир қатор камчилик ва муаммолар мавжудлигидан дарак беради.

Муаммо: Туман (шаҳар) миқёсидаги криминоген вазиятга, яъни қайд этилаётган жиноятчилик улушидаги қасддан баданга шикаст етказишларни содир этилиши асосан оила-турмушда, маҳаллада ёки маҳалла ҳуждудида жойлашган кўнгил очар жойларда содир этилишида профилактика инспекторларининг мазкур жиноятларнинг профилактикасини тўғри ташкил эта олмаганлигидадир. Бу ерда муаммо нимада, биринчидан масалан Мен олдин раҳбарлик қилган Пешку туманида 20 та профилактика инспекторидан бор йўғи 8 нафари оли юридик маълумотга эга бўлиб, ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг турлари (ижтимоий профилактика, умумий, махсус, виктимологик ва яқка тартибдаги профилактика) ва уларни амалга ошириш механизмларини билишса, қолган 12 нафари эса бундан ҳабардор эмас, билимнинг етарли эмаслигидир, бу эса жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликлар проифилактикаси ташкил этишда **“шахсий ташаббускорликни”нг (юқоридан топшириқ бўлишини кутиб туради ўзида эса ташаббускорлик йўқлигидадир) йўқлигига олиб келмоқда.**

Иккинчидан, ўша олий маълумотга эга бўлган профилактика инспекторларининг ҳам барчаси қасддан баданга шикаст етказиш жиноятларининг профилактикасини тўлиқ ташкил эта олмайди, чунки улар қасддан баданга шикаст етказишнинг асл сабаб ва шарт-шароитларини, хусусан: оила-турмуш доирасидаги маиший низолар; алкоголь, психотроп ёки шахснинг ақл-идрокига кучли таъсир этувчи моддаларга қарамликнинг юқорилиги ва бошқалар, шунингдек ушбу жиноятларни келиб чиқишига сабаб бўлаётган шарт-шароитларга тўхталсам, масалан: вояга етмаганлар ўртасидаги назоратсизлик, уларнинг совуқ қурол ва бошқа ўткир тўғли предметларни олиб юришга интилиши, жойларда ушбу ашёларни аниқлашга қаратилган тадбирларнинг мунтазам равишда ўтказмаслиги ёки самарасиз ташкил этилиши ва ҳоказолар.

Таклиф: Биринчи навбатда уларни ўқитишни ташкил этиш, иккинчидан бугунги кунда ИИБ Академияси профессор-ўқитувчилари таркибидан ташкил топган бир гуруҳ олимлар томонидан жойларда жиноятчиликнинг сабаб ва шарт-шароитларини илмий жиҳатдан ўрганишларини натижасида тайёрланаётган методикаларини нафақат “қизил тоифада”ги маҳалла профилактика инспекторига балки барча профилактика инспекторларига тақдим этиш ва ушбу методикалар бўйича ўқув машғулотларни ташкил этган ҳолда амалий мазмундаги чора-тадбирларни амалга ошириш зарур. Тўғри бундай ишлар амалга оширилмоқда, бироқ ҳудуддаги барча тоифадаги раҳбарлар буни тўғри тушунган ҳолда биргаликда, шахсан уларнинг иштирокида амалга оширилиши лозимлигини таклиф қиламан. Бунинг натижасида эса ҳудудда ҳар бир ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектлари ўзаро ҳамкорликда ўзларининг аниқ жиноят турлари бўйича қандай вазифаларни бажариши лозимлиги аниқ қилиб берилади. Шунини ҳам тўлиқ амалга оширсак, муайян даражада нафақат қасддан

⁵ Бухоро вилояти ИИБ статистик маълумотлари.

баданган шикаст етказиш жиноятларини балки умумий жиноятчиликни жиловлашга ва уларни камайтиришга эришилади.

Муаммо: Тан жароҳати етказиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар ва жиноятларнинг ижтимоий профилактикасини ташкил этишдаги муаммолар, хусусан: жойларда ижтимоий профилактика субъектлари ўз вазифаларини яхши билмаслиги, уларнинг ишларини мувофиқлаштириш ҳуқуқбузарликлар профилактикаси инспекторларига юкладилган бўлсада, бу борадаги ишларда ҳам камчиликнинг борлиги, ижтимоий профилактика субъектлари ўртасида ўзаро ҳамкорликни йўқлиги ёки тўғри ташкил этилмаганлиги

Таклиф: Биринчи навбатда, тан жароҳати етказиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар ва жиноятларнинг ижтимоий профилактика аниқлаш бу қандай амалга оширилади, яъни аҳолини “хонадонбай” ва “фуқаробай” ўрганиш орқали ёки мурожаатлар асосида, оммавий ахборот ёки интернет тармоқларидаги маълумотлар асосида ва ҳ.к., иккинчидан сектор раҳбарларининг тан жароҳати етказиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларнинг ижтимоий профилактикасини ташкил этиш, масалан – сектор ҳудудида жойлашган маҳаллалардаги криминоген вазиятни таҳлил қилиб бориш орқали ижтимоий профилактика субъектларига аниқ вазифаларини тақсимлаб бериш, натижаларини танқидий муҳокамалар қилиш ва уларнинг ҳар бирининг юқори турувчи вазирликларига тақдимномалар киритиб бориш ва бошқалар.

Муаммо: қасддан баданга шикаст етказиш жиноятларининг профилактикаси ташкил этиш ва уларнинг барвақт олдини олишда тергов бўлим (бўлинма)лари томонидан йўл қўйилаётган хато ва камчиликлар, яъни суриштирувчи ёки терговчилар томонидан ушбу турдаги қилмишларни квалификация қилишда қасддан баданга шикаст етказишнинг мақсад ва мотивларини, содир этилаётган тўғри жойини аниқламаслик натижасида қасддан баданга шикаст етказиш жиноятларини безорилик жиноятидан фарқлашда ҳатога йўл қўйиш ёки шикаст етказишнинг оғир ҳолатидан енгил қилиб белгиланишини нотўғри ҳуқуқий баҳо беришларга сабаб бўлмоқда, бу эса ўз навбатида ҳудудда қайд этилаётган жиноятчиликнинг аниқ статистикасини юритилмаслигига олиб келади. Муаммо ушбу турдаги жиноятларнинг профилактикасини ташкил этиш ва уларни барвақт олдини олишда Ички ишлар органларининг тегишли кучларига муайян ҳудуд, вақт, шарт шароити, сабабларини аниқлашда ҳамда шахслар контингенти билан ишлашни нотўғри ташкил этилишига олиб келади.

Таклиф: Мазкур муаммони ҳал этишда, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2002 йил 14 июндаги “Безориликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 9-сон Қарорининг 13-банди талабларидан келиб чиққан ҳолда, ушбу бандаги қоидага қўшимча тариқасида *“сурушитрувчи ва терговчилар ўзаро ички низо ва адоватлар замирида айбланувчи шахснинг жабрланувчига нисбатан жамоат жойида жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан менсамаслик орқали баданига шикаст етказиш ҳолатларини, қилмиш натижасида келиб чиққан оқибатлар, яъни баданга шикаст етказишнинг турларига қараб тегишлича тартибда Жиноят кодексининг 104-моддаси ёки 105-моддаси ёхуд 109-моддалари бўйича квалификация қилиниши керак”* деган жумлаларни киритиш тавсия қилинади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Алауханов Е.О. Криминологические проблемы предупреждения корыстно-насильственных преступлений: Автореф. дисс. ... док. юрид. наук: 12.00.08. – Алматы, 2004. – С. 30.
2. Исмаилов И., Абдурасулова Қ.Р., Фазилов И.Ю. Криминология. Умумий қисм: ИИВ олий таълим муассасалари учун дарслик. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015. – Б. 131. (– 272 б.)

3. Гадоймировдов Б. Якка тартибдаги профилактик чора-тадбирларни қўллашдаги муаммолар //Development of pedagogical technologies in modern sciences. – 2022. – Т. 1. – №. 6. – С. 19-22.
4. Nimatov Sh.N., Ўзбекистон республикаси ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизимида амалга оширилган ислохотлар ва уларнинг босқичлари // <https://doi.org/10.5281/zenodo.14281681-41-6>.
5. Кушбаков Д. М., Эгамбердиев В. О. Профилактика инспекторининг криминоген вазиятни ўрганиш ва таҳлил қилиш фаолияти //Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies. – 2024. – Т. 1. – №. 8. – С. 194-198.
6. Эгамбердиев В. О. Жиноятнинг махсус субъекти ва унинг жиноий жавобгарлигига доир ҳуқуқий нормаларни такомиллаштириш масалалари //Journal of innovations in scientific and educational research. – 2022. – Т. 5. – №. 4. – С. 518-527.
7. Жамоат хавфсизлигини таъминлашда-профилактика инспекторларининг иштироки // “Илм-фан ва инновация” Республика илмий-амалий конференция // <https://doi.org/10.5281/zenodo.7856570>. – Б. 80-83. (Б.Т.Асланов билан ҳаммуалфликда).
8. Вахобжонов Д.Д. Профилактика инспекторларининг маъмурий ҳудудда жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш фаолиятининг асосий йўналишлари, шакл ва усуллари //central asian journal of multidisciplinary research and management studies. – 2024. – т. 1. – №. 15. – с. 81-85.
9. Бухоро вилояти ИИБ статистик маълумотлари.

INNOVATIVE
ACADEMY